

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.07/13.05.2020.Үн.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРАКЕТОВА ДИЛНОЗА ЮЛДАШЕВНА**

**БЕЗОРИЛИКНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК**  
**ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Отглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

<b>Каракетова Дилноза Юлдашевна</b> Безоридиннинг жиноят-хукукий ва криминологик жиҳатлари.....	3
<b>Каракетова Дилноза Юлдашевна</b> Уголовно-правовые и криминологические аспекты хулиганства.....	27
<b>Karaketova Dilnoza Yuldachevna</b> Criminal-legal and criminological aspects of hooliganism.....	51
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.07/13.05.2020.Үч.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРАКЕТОВА ДИЛНОЗА ЮЛДАШЕВНА**

**БЕЗОРИЛИКНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК**  
**ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Yu439 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsul.uz/uz/ilmiy-kengash](http://www.tsul.uz/uz/ilmiy-kengash)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталига ([www.ziyo.net/uz](http://www.ziyo.net/uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Салаев Нодирбек Сапарбасвич</b> юридик фанлар доктори (DSc), профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Отажонов Абдоржон Анварович</b> юридик фанлар доктори (DSc), профессор  <b>Хасанов Темур Халмамович</b> юридик фанлар буйича фалсафа доктори (PhD)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» сентябрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кучаси, 35. Тел.:(99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (977 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темуր кучаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «9» сентябрда тарқатилди.

(2021 йил «9» сентябрдаги «3» рақамли қарор билан раъномаси).



**У.А.Тухташева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

**Д.Г.Камалова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар буйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Ш.Ё.Абдуқодиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кенгашидаги илмий семинар раиси уринбосари, юридик фанлар доктори (DSc), доцент

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда жамоат тартибига, жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи жиноятларга қарши курашиш глобал аҳамият касб этмоқда, чунки безорилик умумий жиноятчиликнинг 22% ни ташкил қилиб, ҳар йили 9% га ошиб бормоқда<sup>1</sup>. 2019 йил яқунлари бўйича БМТнинг Global Study on Children Deprived of Liberty маърузасида келтирилган статистикага кўра, безорилик мотиви билан содир этилган жиноятлар 37% ни ташкил қилган. Халқаро ҳужжатларда, қонунда жиноят учун жавобгарликни тўғри ифодалаш, қонунни қўллаш амалиётини имкон қадар қулайлаштириш мақсадида қонунчиликни қайта кўриб чиқилишига эътибор қаратилмоқда<sup>2</sup>. Юқоридагилар жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш, безорилик учун жавобгарлик белгиланган ЖК нормаларини тўғри қўллаш, қилмишни аниқ квалификация қилиш ва адолатли жазо тайинланишини таъминлаш устувор вазифалар эканлигидан далолат беради.

Жаҳонда безорилик оқибатида содир этилган жиноятларга қаршилиқ кўрсатишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чоралари; жамоат тартибини сақлаш тизими тушунчаси, мазмуни ва моҳияти; маъмурий ва жинорий безориликни фарқлаш; безориликни, безорилик оқибатида баданга оғир шикаст етказишни квалификация қилиш; жамоат тартибини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш; безорилик ва безорилик оқибатида содир этилган жиноятларнинг криминологик жиҳатларини илмий ва амалий нуктаи назардан тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш, жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш, ЖКнинг жамоат тартибини муҳофаза қилувчи нормаларини қўллаш амалиётини яхшилаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд фаолиятини яхшилаш, одиллик, инсонпарварлик тамойилларига риоя этилишини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жинорий қилмишларни декриминаллаштириш, жинорий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш»<sup>3</sup> мамлакат жиноят қонунчилигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланганлиги, ушбу соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

<sup>1</sup> <https://www.statista.com>

<sup>2</sup> <https://www.unodc.org>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.; 70-модда.



Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017), «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2019) қарорлари, «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2021) Фармони ва ушбу соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишига муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз олимлари – Ш.Ё.Абдуқодиров, П.Бакунов, Р.Жаббарбергенов, М.Х.Жианов, А.Г.Закирова, О.Г.Крутько, С.С.Ниёзова, М.Ҳ.Рустамбаев, Н.С.Салаев, Ф.Тохиров, М.Усмоналиев, У.Ш.Халикулов томонидан тайёрланган илмий ишлар, ўқув қўлланма ва дарсликларда безориликнинг хусусиятларига умумий даражада тўхтаб ўтилган.

МДҲга аъзо давлатлар олимлари – М.А. Агаджанян, Л.Д.Гаухман, А.В.Готовцев, Ю.И.Жих, В.И.Зарубин, Н.Г.Иванов, Ж.Каусылгазы, И.Я.Козаченко, И.И.Косарев, А.В.Куделич, А.Ф.Матюнин, А.В.Рагулин, М.А.Утанов, В.В.Фомин, А.В.Хренов ва бошқалар томонидан безориликнинг жиноят-ҳуқуқий ёки криминологик жиҳатлари маълум даражада тадқиқ этилган. С.В.Борисов, В.С.Егоров, Л.А. Есина, В.М. Шинкарук<sup>1</sup>нинг илмий тадқиқот ишлари бевосита безориликнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари, унинг олдини олишга бағишланган.

М.Хопкинс, Дж.Тредуэлл (Бирмингем университети, Буюк Британия), Р.Спай (Амстердам социологик тадқиқотлар мактаби, Нидерландия), А.Деримакер, Д.Де Мээр (Антверпен университети, Белгия.), П.Шольц (Масарика университети, Чехия) футбол фанатлари безорилигининг жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва социологик жиҳатларини ўрганган.

Юқорида номлари қайд этилган олимларнинг ишлари безориликнинг назарий асосларига бағишланган бўлиб, уларда қилмишни квалификация қилиш, унинг ўхшаш жиноятлардан фарқлари, безориликнинг криминологик жиҳатлари қисман ўрганилган.

<sup>1</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва «Жиноят кодексини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти муаммолари», «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашишни такомиллаштириш муаммолари» илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** безориликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини комплекс ўрганиш, безориликни тўғри квалификация қилиш, жиноий ва маъмурий безориликнинг фарқларини кўрсатиш, унинг олдини олишда мавжуд муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва соҳага оид назарияни, амалиётни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

безорилик учун жиноий жавобгарлик белгилашнинг ижтимоий зарурати ва унинг учун жавобгарлик белгиланган ЖК нормаларининг ривожланиш тарихини ўрганиш;

айрим хорижий давлатлар Жиноят кодексларининг жамоат тартибini бузганлик учун жавобгарлик белгиланган нормаларини таҳлил қилиш;

безорилик жиноятининг объектини аниқлаш;

безорилик жиноятининг объектив ва субъектив томони белгиларини очиб бериш;

объектив ва субъектив белгиларига кўра безориликнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларини таҳлил қилиш;

безориликка ва безори шахсига криминологик тавсиф бериш;

безориликнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш;

безориликни олдини олишнинг ташкилий асослари ва амалиёт натижаларини таҳлил қилиш асосида мазкур фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** безорилик билан боғлиқ жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** безорилик учун жавобгарлик белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юридик фандаги концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар, безориликка оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш ва унинг олдини олиш амалиёти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини ёзишда мантиқийлик, тизимлилик, тарихий, мантиқий-юридик, қиёсий-ҳуқуқий, жиноят ишлари ва статистик маълумотлар таҳлили, социологик сўровлар ўтказиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автотототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида,

кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шугулланганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш ҳақидаги таклиф асослантирилган;

маъмурий жазо қўлланилганидан кейин аэропортларда, вокзалларда, хибонларда, истирохат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автоматотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шугулланганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш ҳақидаги таклиф асослантирилган;

туну кун фаолият юритадиган умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мазкур объектларда видеокузатув тизимини ўрнатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг патруль гуруҳлари томонидан тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектлар жойлашган йўналишларда доимий назорат ўрнатилиши лозимлиги исботланган;

профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларининг асосий вазифаси сифатида тегишли ҳудудда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг оғоҳлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ички ишлар органларига кўмаклашиши ҳақидаги таклиф асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасидаги “жамиятда юриш туриш қондалари” ўрнига “жамоат тартиби” деган жумланинг киритилишини жиноятнинг асосий-бевосита объектининг тўғри белгилаш ва жавобгарликни тўғри ҳал қилиниши нуқтаи назардан мақсадга мувофиқлиги исботланган;

Европанинг қатор давлатлари ЖКда жамоат тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида уларнинг бирортасида мустақил жиноят таркиби сифатида безорилик учун жавобгарлик назарда тутилмаган, деган хулосага келинган;

“безорилик”, “жамоат хавфсизлиги”, “жамоат тартиби”, “безорилик мотиви” тушунчаларининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;



Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси диспозициясининг тузилишига кўра безориликнинг муқобил таркибли жиноятлар сирасига кириши исботланган;

ЖК 277-моддаси диспозициясининг таҳлили безорилик объектив томонининг қуйидаги: оддий зарурий белги (жамиятда юриш-туриш қондасини қасддан менсимаслик), мураккаб зарурий белги (уриш-дўппослаш, баданга шикаст етказиш, мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш) белгиларини ажратиш имконини берган;

безорилик субъектив томондан тўғри ва эгри қасд билан содир этилади. Бундан ташқари безорилик ҳаракатларини содир этаётган шахс кўпчилик ҳолларда келиб чиқадиган оқибатга нисбатан бефарқ муносабатда бўлгани учун (сўровда иштирок этганларнинг 55%) қасднинг ноаниқ тури мавжуд бўлади;

Ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада маст бўлган шахсга нисбатан, безорилик ҳаракатларини содир этиш, ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан жиноят содир этиш деб баҳолаш кераклиги асослантирилган;

безорилик мотиви билан зўрлик ишлатиб транспорт воситасини олиб қочишда агар безориликнинг бошқа аломатлари мавжуд бўлса (масалан, баданга шикаст етказиш, мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш), қилмиш жиноятлар жами тарзида квалификация қилишини кераклиги асослантирилган;

“ўтакетган беҳаёлик” тушунчасини аниқ мезон асосида ифодалаш мумкин эмаслиги, суд-тергов амалиётида бу каби ҳолатларни баҳолашда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани, МЖТКнинг 183-моддасида назарда тутилган майда безорилик ҳам жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш каби қилмишларда ифодаланувчи беҳаёлик билан ҳам содир этилиши мумкинлиги, шунингдек, безориликнинг ўзи беҳаёликнинг ифодаси эканини ҳисобга олиб, бу белгини ЖК 277-моддасидан чиқариш ҳақидаги таклифи асослантирилган;

безори шахснинг кримнологик тавсифи (ижтимоий-демографик, жиноят-ҳуқуқий ва маънавий-руҳий белгилари) нафақат безори шахси моҳиятини очиб беришга, балки бу борадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш имконини ҳам беради. Бу эса ўз навбатида, безорилик жиноятини содир этган шахсларга нисбатан таъсирчан профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишга замин яратади;

гайриижтимоий йўналишнинг чуқурлиги ва турғунлигига кўра безорилик содир қилган шахслар тасодифий, беқарор, вазиятга боғлиқ, ашаддий, ўта ашаддий тоифаларга ажратилган;

безориликнинг яқка тартибдаги, виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари тизимини шакллантиришга оид таклифлар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, жиноят ҳуқуқи назариясида умум эътироф этилган

қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исьотланган.

Безориликнинг квалификациясига оид 100 нафар суриштирувчи, терговчи, адвокат, судья ва изланувчи ва олимлар орасида сўровлар ўтказилган; тадқиқ этилаётган жиноятларга доир 310 та суд хукми ўрганилган; статистик маълумотлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилган ва тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, суд-тергов органлари фаолиятида, шунингдек, жиноят ҳуқуқи, жиноятларни квалификация қилиш, маъмурий жавобгарлик каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, келажакда безориликни ўрганиш, уни квалификация қилиш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш учун асос бўлади. Тадқиқот натижаларидан жиноят қонунини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқишда, безориликнинг олдини олиш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Безориликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини тадқиқ этиш натижалари асосида:

аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автомобилотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш ҳақидаги таклифдан 2019 йил 9 январдаги УРҚ-514-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси 4-бандини (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 188<sup>3</sup>-моддаси) ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 25.01.2021 йилдаги 06/1-05/250-сон

далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши жамоат жойларида тиланчилик билан шугулланишнинг олдини олишга хизмат қилган;

аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автомобилотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шугулланганлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарлик белгилаш ҳақидаги таклиф 2019 йил 9 январдаги ЎРҚ-514-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси 3-банди (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127<sup>1</sup>-моддаси)ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 25.01.2021 йилдаги 06/1-05/250-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши муайян жойларда жамоат тартибининг муҳофаза қилиниши ва сақланишига хизмат қилган;

туну-кун фаолият юритадиган умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мазкур объектларда видеокузатув тизимини ўрнатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг патруль гуруҳлари томонидан тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектлар жойлашган йўналишларда доимий назорат ўрнатишни белгилаш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 24 июлдаги 624-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошиси ҳамда 4-банди учинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 13 январдаги 12/21-02-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши тунги вақтларда умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда жамоат хавфсизлигининг таъминланишига хизмат қилган;

профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларининг асосий вазифаси сифатида тегишли ҳудудда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг огоҳлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ички ишлар органларига қўмаклашиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 мартдаги 251-сон қарори билан тасдиқланган “Профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича



ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 3-банди иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бoshқармасининг 13.01.2021 йилдаги 12/21-02-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши ички ишлар органларининг худудларда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг оғоҳлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан 4 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 19 та мақола (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Безорилик учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати ва айрим хорижий давлатлар тажрибаси**» номли биринчи бобида безорилик учун жиноий жавобгарлик белгиланишнинг ижтимоий зарурати, мазкур қилмиш учун жавобгарлик белгиланган жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг ривожланиш тарихи ва айрим хорижий давлатлар Жиноят кодексларида жамоат тартибини бузганлик учун жавобгарлик масалалари ёритилиб, безори, безорилик, жамоат тартиби, майда безорилик тушунчалари, безориликнинг ижтимоий хавфлилиги, белгилари, ўзига хос хусусиятларининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган, айрим хорижий олимларнинг фикрлари, жиноят қонуни нормалари қиёсий таҳлил қилинган.

Муаллиф ушбу бобда безорилик учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш босқичларини ўрганиш асосида, безориликка қарши курашиш жамиятдаги ижтимоий-сиёсий тизим ва давлатнинг



жиноят ҳуқуқий сиёсатидан келиб чиқиб амалга оширилган, безорилик учун жавобгарлик белгиланган қонун нормалари ривожланишининг ҳар қандай босқичида унинг ижтимоий хавфлилиги жиноятчи томонидан жамоат тартиби, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ нормаларига таъжовуз қилиш деб баҳоланганлигини асослаган. Ўзбекистон давлатчилиги тарихида жиноят ва жазо белгиланган қонунлар ривожини тўрт даврга ажратиб ўрганилган: исломгача бўлган давр (VII аср охирига қадар), шариат нормалари амалда бўлган давр (VII аср охириларида XX аср бошларига қадар бўлган давр), собиқ иттифок даври (1920 йиллардан 1991 йилгача қадар бўлган давр) ва ҳозирги, яъни мустақиллик даври (1991 йилдан кейинги давр). Жиноят қонунчилиги ривожланиб бориши билан безорилик оқибатида содир этилган айрим жиноятлар учун жавобгарлик оғирлаштирилиб, алоҳида квалификациявий ҳолат сифатида қонунга киритилганлигини таъкидлаган.

Тадқиқотчи ушбу бобда Европанинг қатор давлатлари жиноят қонунчилигида жамоат тартибига қарши жиноятларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиши натижасида қуйидаги хулосаларга келган:

1) ўрганилган давлатлар (Австрия, ГФР, Голландия, Испания, Франция, Швейцария) жиноят қонунларининг бирортасида безорилик мустақил жиноят таркиби сифатида назарда тутилмаган;

2) жамоат тартиби ва тинчлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар жамоат тартибига қарши жиноятларнинг асосий бевосита объектидир;

3) жамоат тартиби қуйидаги белгиларни ўз ичига олувчи турли нормалар билан ҳимоя қилинган:

а) зўрлик ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (Испания, Швейцария, ГФР, Голландия ЖКлари);

б) мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш (Испания, Швейцария, ГФР, Австрия, Голландия ЖКлари);

в) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши (Испания, Швейцария, ГФР, Австрия, Франция);

г) ошқоралик хусусиятига эга эканлиги (Испания, Швейцария, ГФР, Франция ЖКлари);

д) қурол ишлатиш (ГФР, Франция ЖКлари).

Ушбу жиноятларнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи белгиси сифатида қуйидагилар назарда тутилган:

а) баданга шикаст етказиш (Испания, Австрия, ГФР, Голландия ЖКлари);

б) бошқалар ўлимига сабаб бўлиш (ГФР, Австрия, Голландия).

4. Швейцария ва ГФР жиноят қонунларида безорилик нияти қасддан одам ўлдириш учун жавобгарлик белгиланган моддаларда ҳисобга олинган, бошқа жиноят таркибларида бу белгига эътибор берилмаган;

5. Ўрганилган давлатлар жиноят қонунчилигида жамоат тартибига қарши жиноят таркиби белгиларини ифодалашда қоида тариқасида объектив белгилар ишлатилган, баъзи баҳоланувчи тушунчалар ҳам мавжуддир.

Диссертациянинг «**Безорилик таркибининг юридик таҳлили ва жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилари**»га бағишланган иккинчи

бобида безорилик жиноятининг объекти, объектив ва субъектив томони белгиларининг илмий-назарий жиҳатлари очиб берилган.

Ушбу бобда муаллиф безорилик учун жавобгарлик белгиланган қонунларнинг қабул қилинганига қарийб бир асрга яқин вақт бўлган бўлса-да, ҳозирга қадар мазкур жиноятнинг объекти масаласида ягона фикр мавжуд эмас, деб ҳисоблайди. Бунинг асосий сабаби безорилик учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормалари ривожининг турли босқичларида мазкур қилмиш учун жавобгарлик белгиланган модданинг ЖК Махсус қисмининг турли бобларида жой олганлиги, ушбу қилмиш туфайли қатор ижтимоий муносабатларга зарар етказилиши, бундан ташқари ЖК нормалари диспозициясида безорилик таркиби объектив томонининг мураккаб тузилишга эга эканлиги, деб ҳисоблайди.

Тадқиқотчининг фикрича, жамоат тартиби демократия институтлари амал қилишининг асоси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний эркинликларини амалга оширишнинг зарурий шарти, шунингдек, давлат ва жамият кундалик ҳаёти барқарорлигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Муаллиф безорилик жинояти объектининг ўзига хос жиҳати сифатида жамоат тартибига тажовуз қилиш битта қонун нормаси – ЖК 277-моддаси билан қамраб олинган турли ижтимоий муносабатлар (шахс, унинг соғлиги, мулкӣ ҳуқуқлари)га зарар етказишда ифодаланишини асослаган.

Жамоат тартибига жамият аъзолари томонидан қонун, одоб-ахлоқ нормалари ва умум томонидан тан олинган бошқа ҳуқ-атвор қоидаларига ихтиёрий ёки мажбурий тартибда риоя қилиш асосида юзага келувчи, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг нормал фаолиятини, барча шаклдаги мулкнинг бус-бутунлиги, одоб-ахлоқ қоидалари, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишни таъминлашга хизмат қилувчи ижтимоий муносабатлар тизими, деган таъриф берилган.

Ишда жамоат тартиби ва жамоат ҳавфсизлиги тушунчалари ўртасидаги фарқлар ўрганилиб, жамоат тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар бир пайтнинг ўзида безориликнинг махсус, турдош ва бевосита объекти ҳисобланади, деган хулосага келинган. Лекин ЖК 277-моддаси 1-қисми диспозициясида безорилик жамоат тартибини бузиш сифатида эмас, балки жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик сифатида ифодаланган. Бундан, безорилик жиноятининг асосий-бевосита объекти жамиятда юриш-туриш қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, деган хулосага келинган.

Муаллиф безорилик кўп объектли жиноят бўлсада, жамоат тартибининг бузилиши мазкур қилмишнинг зарурий белгиси ҳисобланади, айнан жамоат тартибини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар асосий-бевосита объект, шахсларнинг соғлиги, жисмоний дахлсизлиги, мулкӣ ҳуқуқлари, жамоат ҳавфсизлиги, бошқарув тартиби бу жиноятнинг қўшимча-бевосита объекти эканлигини исботлаган.

Ишда безорилик объектив томонининг оддий ва мураккаб белгилари:

1) жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик уриш-дўппослаш билан боғлиқ ҳолда;

2) жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик туфайли баданга шикаст етказиш;

3) жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик туфайли мулкни нобуд қилиш;

4) жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик оқибатида мулкни нобуд қилиш ва баданга шикаст етказиш;

5) жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик туфайли мулкни нобуд қилиш, уриш-дуппослаш ва баданга шикаст етказиш каби шакллarga ажратилган.

Юқоридагиларга кўра кўрсатилган ҳолатлар билан қамраб олинмаган ҳаракатлар жиноий безорилик сифатида баҳоланмаслиги кераклиги асосланган.

Муаллиф ушбу бобда ҳозирга вақтда жамоат жойлари (аэропортларда, вокзалларда, хибонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автмототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида) тиланчилик билан шуғулланаётган ёшлар, вояга етмаганларни қўплаб учратиш мумкинлиги, улар ўз хатти-ҳаракатлари билан транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши ва жамоат тартибини бузётганлиги, шу сабабли ЖКга маъмурий жазо қўлланилганидан кейин яна шундай ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи янги модданинг киритилиши мақсадга мувофиқлигини асослаган.

Тадқиқотчи безорилик субъектив томонининг зарурий белгиси қасд, яъни шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, унинг мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш орқали айбдорнинг жамоат тартибини бузиши ёки унга нисбатан ҳурматсизлигини аниқ намоён қилиши; қилмишнинг мотиви – безорилик жинояти субъектив томонининг зарурий белгиси бўлиб, ҳеч қандай ташки сабабларсиз ёки арзимаган сабаб туфайли айбдорни умум тан олган ахлоқ нормаларига, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига беписандлигини намоёиш қилишга ундовчи ҳис-туйғу; ташки ҳолат билан боғлиқ бўлмаган айбдорнинг безорилик ҳаракатини содир этишга бўлган ички эҳтиёжи ушбу жиноятнинг мақсади эканлигини асослаган.

Диссертациянинг мазкур бобида безориликнинг объектив белгиларига кўра жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар, ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни ҳўрлаб содир этилган безорилик учун, жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этиш, безориликни совуқ қурол ёки кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни, ўқотар қуролни намоёиш қилиб, уни қўллаш билан кўрқитиб ёки қўллаб содир этганлик учун, ўз мазмунига кўра умумэйтироф этилган ахлоқ қоидаларини намоёишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан содир этилган безорилик учун, безориликни оммавий тадбирлар



Ўтказилаётган вақтда содир этганлик учун ҳамда субъектив белгиларига кўра жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар: безориликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан; такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этганлик учун жавобгарлик тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи “Ўтакетган беҳаёлик” тушунчасини аниқ мезон асосида ифодалаш мумкин эмаслиги, суд-тергов амалиётида бу каби ҳолатларни баҳолашда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани, МЖТКнинг 183-моддасида назарда тутилган майда безорилик ҳам жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш каби қилмишларда ифодаланувчи беҳаёлик билан ҳам содир этилиши мумкинлиги, шунингдек, безориликнинг ўзи беҳаёликнинг ифодаси эканини ҳисобга олиб, бу белгини ЖК 277-моддасидан чиқаришни асослаган.

Муаллиф миллий қонунларимизда “ёш бола” тушунчасига таъриф берилмаганлиги, Фуқаролик кодексида 14 ёшга тўлмаган шахслар деганда “кичик ёшдаги болалар” тушунилиши белгилангани сабабли, ЖК 277-моддасида белгиланган “ёш бола” атамасини “14 ёшга тўлмаган шахс” ибораси билан алмаштиришни таклиф қилган. Бу қонунларнинг аниқ ва бир хилда ифодаланиши ҳамда қўлланишига хизмат қилиб, ҳуқуқ соҳаларидаги тушунчаларни ифодалашда юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларнинг олдини олишига хизмат қилишини асослаган.

Тадқиқотчи ушбу бобда безориликнинг қарияга нисбатан содир этилгани бу вазиятда “хўрлаш” аломатларига эга эмас, чунки айбдор жабрланувчига нисбатан ЖК 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган уриш-дўппослаш ҳаракатларини амалга оширган, холос. Агар ушбу ҳолат “хўрлаш” деб баҳоланса, у ҳолда уриш-дўппослаш орқали содир этиладиган барча безорилик ҳаракатлари “хўрлаш” деб баҳоланиши лозим бўлади деган хулосага келган.

Шунингдек, муаллиф суд-тергов органлари томонидан йўл қўйиладиган бу каби хатоликларнинг олдини олиш учун ЖК 277-моддасидан “хўрлаш” ҳамда “қария” ва “ногирон” тушунчаларини чиқаришни таклиф қилган. Чунки, “қария” ва “ногирон” шахслар, ожиз аҳволда ҳисобланиб, уларни ягона тушунча билан ифодалаш мақсадга мувофиқлигини исботлаган. Бундан ташқари ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан жиноят содир этилишининг ўзи, айниқса безорилик қилиниши қилмишнинг ва жиноятчининг ижтимоий хавфлилиги юқориликдан далolat беради. Шу сабабли, бундай шахсларга нисбатан жиноят содир этилганда, қўшимча белгиларнинг талаб қилиниши тўғри бўлмаслигини асослаган.

Муаллиф ЖК 277-моддаси 2-қисми “в” ва 3-қисми “б” бандларининг мазмуни ўхшаш бўлганлиги боис “қурол ёки қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган нарсаларни қўллаб” содир этилган безорилик учун жавобгарлик ЖК 277-моддаси 3-қисми “в” бандида белгиланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Тадқиқотчи аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автомобилотransпорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов



қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шугулланганлик учун дастлаб маъмурий (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 188<sup>1</sup>-моддаси) қайта яна содир этса жиноий (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127<sup>3</sup>-моддаси) жавобгарлик белгилашни асослайди.

Шунингдек, вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш учун жавобгарлик белгиланган МЖТК 188-моддаси 1-қисмидан «тиламчиликка» деган сўз чиқариб ташлаш кераклигини асослаган.

Диссертациянинг «**Безорилик, безори шахсининг криминологик тавсифи ва унинг олдини олиш**»га бағишланган учинчи бобда безорилик ва безори шахсга криминологик тавсиф берилган, безориликни олдини олишнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган ҳамда ушбу фаолиятни такомиллаштиришга доир тақлиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллиф ушбу бобда безори шахсининг ўзига хос хусусиятларини, яъни шахснинг безорилик жиноятини содир этишга мойиллигини ифодалайдиган огоҳлантирувчи, сигнал берувчи муайян жиҳатларнинг барвақт аниқланиши шахсга безорилик содир этиши мумкинлиги бўйича индивидуал ташхис қўйиш имконини беришини асослаган.

Шунингдек, тадқиқотчи безори шахси тузилиши турли ижтимоий-психологик элементлардан иборат, нафақат умумий, балки ўзига хос белгиларга эга муайян шахс (рецидивист, вояга етмаган)лар тоифасига ҳам тегишли, деб ҳисоблайди.

Мазкур жиноятларга оид статистика маълумотлари унинг “тарқалганлик” даражасини кўрсатади. 2015 йилда безорилик умумий жиноятчиликнинг 3,6 %; 2016 й. – 3,2 %; 2017 й. – 2,5 %; 2018 й. – 2,05 %; 2019 й. – 2,3 %ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 2,5%ни ташкил этган. Албатта ушбу маълумотларда безорилик оқибатида содир этилган бошқа жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар акс эттирилмаганлигини ҳисобга олсак, безориликнинг кўлами янада кўпроқдир.

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, безорилик динамикасида 2015-2018 йилларда пасайиш, 2019-2020 йилларда ўсиш кузатилган.

Ўрганилган жиноятнинг даражаси ҳам безорилик динамикасига мос равишда камайган ва ошган.

Мазкур жиноятнинг тузилишида муаллиф томонидан ўрганилган жиноят ишларининг 90%да безорилик оқибатида баданга енгил, 7,5%да ўртача оғир шикаст, 2,5 %да оғир шикаст етказилган. Ўрганилган жиноят ишларининг 4,5%да ўзганинг мулкига зарар етказилган. Безорилик кўпроқ кундузи содир этилган.

Тадқиқот натижалари қилмишнинг 39 % – кўча, хиёбон, дам олиш масканларида; 21 % – бозорлар ва улар атрофида; 18 % – кафе, бар, чойхона, тунги клуб ва ҳ.к; 6,2 % – корхона, ташкилот ва муассасаларда; 0,8 % – транспорт воситаларида; 8 % – спорт, соғломлаштириш масканлари; 7 % – таълим муассасалари, талабалар турар жойларида амалга оширилганлигини кўрсатди.

Безориликнинг асосий қисми (70 %дан ортиги) қуролдан фойдаланмасдан, жиноят оқибатида етказилган тан жароҳатларининг аксарияти айбдорнинг кўлига тушган, воқеа жойидаги тасодифий ашё ёки воситалардан фойдаланиб содир этилган.

Бошқа жиноятларга нисбатан безорилик гуруҳ бўлиб камроқ (85 % – якка шахс; 15 % – бир гуруҳ шахслар) содир этилган.

Қасддан одам ўлдиришнинг 0,2 %, қасддан баданга оғир шикаст етказишнинг 2,5 %и безорилик оқибатида содир этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди статистика маълумотларининг таҳлили безорилик жуда кўп содир этилган жиноятлар сирасига кирмаслигидан далолат беради, унинг оқибатида жамоат тартибидан ташқари, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мулкига зарар етказилаётганлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги юқорилигидан далолат беради.

Расмий статистика маълумотларидаги кўрсаткичларнинг пасайганлиги безорилик айрим кўринишларининг декриминализация қилинганлиги, содир этилган безориликни майда безорилик сифатида баҳоланиши (МЖТК 183-м) билан боғлиқ. Ундан ташқари, статистика кўрсаткичларининг шакллантирилишига жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтларининг қўлланиши, мазкур қилмишларнинг латентлиги даражаси ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Масалан, 2015 й. жами безорилик содир этганларнинг 30,2 %; 2016 й. – 31,3 %; 2017 й. – 34,1 %; 2018 й. – 33,2 %; 2019 й. – 32,5 % жавобгарликдан озод этилган.

2015-2019 йилларда безорилик учун судланганлар сони камайган бўлсада, баданга оғир шикаст етказиш, одам ўлдириш, қийнаш каби жиноятлар миқдори сезиларли даражада камаймаган, 2020 йилда безорилик 45,9%га ва юқоридаги жиноятларнинг барчаси ўсган. Ундан ташқари уриш, баданга енгил шикаст етказиш белгилари бўлган қилмишлар учун турли асосларга кўра жавобгарликдан озод қилинганлар сони ҳам талайгинадир.

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинганларнинг 3,9 % жамоат тартибига қарши жиноятларни содир этганлардир<sup>1</sup>.

Юқоридагилар безорилик ҳолати ва динамикаси ҳақиқатда расмий маълумотлардагига нисбатан анча кўп эканлигини кўрсатмоқда.

Муаллиф безори шахснинг криминалогик тавсифи шахснинг ижтимоий-демографик, жиноят-ҳуқуқий ва маънавий-руҳий белгилари мазмунини ёритиш орқали очиб берилишини, ушбу мезонлар нафақат безори шахси моҳиятини очиб бериши, балки бу борадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш имконини ҳам бериши ва бу ўз навбатида, безорилик содир этган шахсларга нисбатан таъсирчан профилактик чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишига замин яратишини асослаган.

Тадқиқотчи безорилик содир қилганларнинг аксариятини оила қурмаганлар ташкил этишини, уларнинг кўп вақтини оила даврасида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг [public.sud.uz](http://public.sud.uz) расмий сайти.

ўтказмаслиги, бўш вақтининг асосий қиёми ўртоқлари даврасида ўтиши, айниқса, тунги пайтларда жамоат жойларида бўлишларини уларнинг асосий хусусияти сифатида изоҳлайди.

Суд ҳукмларининг тахлили безорилик учун ҳукм қилинган шахслар орасида эркаклар 94 %, аёллар эса – 6 % ни ташкил этганлигини кўрсатди.

Жамоат тартибини бузганлик учун жавобгарликка тортилганларнинг асосий қисмини оила қурмаганлар (62%) ташкил қилган, уларнинг 36% оилали бўлиб, деярли барчаси фарзандли шахслардир. Судланганлар орасида оиласи бузилганлар ҳам (2%) аниқланган.

Диссертацияда ўрганилган ҳукмларга кўра кўпроқ 18-30 ёшдаги шахслар жавобгарликка тортилган (62 %), 30-40 ёшдагилар (27 %), 40-50 ёшдагилар (10,2 %)ни ташкил этган, 60 ёшдан ошган шахслар безорилик учун жавобгарликка тортилмаган.

Безорилик содир этган аёлларнинг 86 % 20-30 ёшдагилар, 14 % 30-40 ёшдагилар бўлган.

Муаллиф жиноят содир этганларнинг маълумоти даражаси қуйидагича эканлигини аниқлаган: 1) умумий ўрта маълумотлилар – 41,4 %; 2) ўрта махсус, касб-хунар таълимига эга бўлганлар – 49,2 %; 3) олий маълумотлилар – 5%; 4) туликсиз ўрта маълумотлилар – 4,4 %.

Ўрганилган жиноят ишларининг 21,6 %да безориликнинг субъектлари доимий иш жойига эга; 56,6 % мавсумий ишчи; 18,4 % вақтинча ишсиз; 3,4 % талаба, ўқувчилар бўлган. Бундай ҳолни аёллар жиноятчилигида ҳам кўриш мумкин, безорилик учун судланганларнинг 36% ни уй бекалари ташкил этган.

Жамоат тартибини бузганларнинг 60% га яқини ижтимоий хавфли қилмиш содир этаётган вақтда алкоғолдан маст ҳолатда бўлганлар.

Жиноят содир этганларнинг аксарияти (23%) безорилик ҳаракатларини баданга ўртача оғир шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда, 21% бир гуруҳ шахслар томонидан, 20% совуқ қурол ёки кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намоён қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаб, 9% жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб, 13% ЖК 277-м. 1-қ.да назарда тутилган ҳаракатларни содир қилганлик учун, 6% хавфли рецидивист томонидан, 5% ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаш билан боғлиқ ҳолда, 3% ўз мазмунига кўра умум эътироф этган ахлоқ қондаларини намоёншкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан содир этгани учун жавобгарликка тортилган вақтида алкоғолдан маст ҳолатда бўлганлар.

Шунингдек, муаллиф мактаб ўқувчилари ёки талабалар ўртасида безорилик содир этилишига ота-оналар назоратидан четда қолганлик, ота ёки онасининг йўқлиги, оиладаги носоғлом муҳит, жиноят содир этиш вақтида спиртли ичимликлар таъсири остида бўлганликни асосий омил деб баҳолайди.



Ишда безорилик содир қилганлар ғайриижтимоий йўналишнинг чуқурлиги ва турғунлигига кўра тасодифий, беқарор, вазиятга боғлиқ, ашаддий, ўта ашаддий жиноятчи шахсига ажратилган.

Муаллиф безорининг ғайриижтимоий турмуш тарзи – бу шахснинг жиноят содир этишга мойиллиги бўлиб, рухий жиҳатдан ғайриижтимоий одатларга тобелигини билдиради. У турли шаклларда ифодаланиши, бир хил бўлмаган антиижтимоий мазмунга, шунингдек яққол ифодаланган ёки унчалик ҳам ёрқин бўлмаган тавсифга эга бўлади, деб ҳисоблайди.

Тадқиқот ишида безорилик профилактикасининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тартибга солиш муаммосини бартараф этиш учун қуйидаги учта асосий масала: биринчиси, профилактикани амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; иккинчиси, ўзига нисбатан профилактика чоралари амалга ошириляётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; учинчиси, жиноятлардан жабрланаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (жабрланувчи мақоми) аниқлаштирилиши ва улар қонунда мустаҳкамланиши лозимлигини асосланган.

Диссертацияда безориликнинг махсус профилактикаси ихтисослаштирилган фаолият саналиб, безориликнинг олдини олишга қаратилган махсус тадбирларни ҳам қамраб олиши, бундай тадбирлар бошқа профилактик тадбирлардан ўзининг махсус мўлжалланганлиги ва алоҳида мақсадга йўналтирилганлиги билан ажралиб туриши, безориликнинг олдини олишда профилактика шаклларининг барчаси ҳам етарлича самара бермаслиги, улар орасида «назорат» шакли муҳим ўрин тутуши асосланган.

Безорилик профилактикасида профилактиканинг оғоҳлантириш (расмий, норасмий), ишонтириш, рағбатлантириш (моддий, маънавий, аралаш), мажбурлаш (интизомий, маъмурий, моддий ва жиноят-ҳуқуқий) усулларини профилактика субъектлари томонидан безори ва безориликдан жабрланиш эҳтимоли бўлган шахсларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўллаш яхши самара бериши асосланган.

Диссертацияда безориликнинг профилактикаси миллий қонунчилигимизда белгиланган профилактиканинг умумий, махсус, яққа тартибдаги ва виктимологик турлари доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг ҳуқуқий тартибига таяниши исботланган.

Муаллиф безорилик профилактикасида жазонинг: кўрkitиш; таъқиқни кучайтириш; қонунга итоаткор ҳулқ-атворни рағбатлантириш каби умумпрофилактик таъсирга эғалигини ҳам асослаган.

Тадқиқотчи безориликнинг қўлайиши махсус профилактиканинг амалга оширилишини тақозо этади, махсус профилактика эса профилактика субъектлари махсус восита ва усуллардан доимо профессионал даражада фойдаланиш сингари махсус, профессионал билимларга эга бўлишини талаб этишини кўрсатган.

Безориликнинг олдини олишда шахснинг «ижтимоий аҳлоқсизлиги даражаси», унинг ижтимоий тажрибаси, жинойий алоқаси ва ҳ.к. ҳисобга олиниши зарур. Ушбу жараён иккита: безориликнинг муайян шахслар



томонидан содир этилиш имкониятини аниқлаш; бундай шахсларга нисбатан бевосита профилактика чораларини амалга оширишни қамраб олиши исботланган.

Ишда безориликнинг якка тартибдаги профилактикасининг асосий элементлари:

ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика амалга ошириладиган шахсларни синчковлик билан ўрганиш;

шахснинг хусусиятидан келиб чиқиб, таъсирчан профилактик чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

